

STUDY OF RANGE OF MEDICINAL MEDICINAL MEDICINES

Z R Patieva

Tashkent Pharmaceutical Institute

Glycyrrhiza glabra-L. Is a perennial herbaceous plant belonging to the family Fabaceae. In his works, Theophrastus called this plant malt root, Scythian grass, Pontic grass. This plant is called in Russian - malt near, in Uzbek - licorice, chuchukmiya, kizilmiya, and in the Autonomous Republic of Karakalpakstan - dandelion. Shirinmiya is very widespread in the European part of the former Soviet Union, Crimea, the Caucasus, Siberia, Asia Minor, Iran, Afghanistan and North Africa.

ҚИЗИЛМИЯ ДОРИВОР ЎСИМЛИК АСОСИДА ОЛИНГАН ДОРИ ВОСИТАЛАРИ АССОРТИМЕНТИНИ ЎРГАНИШ

З.Р.Патиева

Тошкент фармацевтика институти

Ширинмия (*Glycyrrhiza glabra*-L.)—дуққакдошлар (Fabaceae) оиласига мансуб кўп йиллик ўт ўсимлик. Феофраст ўз асарларида бу ўсимликни солодковий корень, скифская трава, понтийская трава номи билан атаган. Мазкур ўсимликни рус тилида –солодка голая, ўзбек тилида-ширинмия, чучукмия, қизилмия, Қорақалпоғистон автоном республикасида эса бўян деб аташади. Ширинмиyaning тарқалиш ареали жуда кенг бўлиб, сибиқ иттифоқнинг Европа қисмида, Қрим, Кавказ, Сибир, Кичик Осиё, Эрон, Афғонистон, Шимолий Африкада тарқалган.

Қизилмия (Ширинмия) доривор ўсимлик сифатида жуда қадим замонлардан маълум. Хитой халқ табобатида бу ўсимлик эрамиздан 3000 йил аввал турли хил ҳасталикларни даволашда қўлланилган.

Ўрта асрларнинг машҳур олим ва табиби буюк бобокалонимиз Абу Али ибн Сино ўзининг даволаш амалиётида ширинмия ер остки қисмларидан жуда кенг миқёсда фойдаланган. Жумладан ошқозон ичак яраларини, ўпка ва нафас йўллари касалликларини даволашда шунингдек, пешоб ҳайдовчи доривор восита сифатида ишлатилган (3, 4).

Шу билан бирга кўпгина доривор йиғмаларнинг асосий таркибий қисмларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 апрелдаги “Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4670-сон қарори иловасида “Асосий турдаги доривор ўсимликларни етиштиришга ихтисослаштириладиган ҳудудлар рўйхати” берилган бўлиб унга кўра Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё, Хоразм вилоятларининг барча туманларида Қизилмия (ширинмия) (*Glycyrrhiza glabra* L.) етиштириш белгилаб берилган (1).

Замонавий табобатда ушбу ўсимликнинг ўрни беқиёс ҳисобланади. Қизилмия (Ширинмия) доривор ўсимлиги илдизидан олинган субстанциялар асосида чет эл ҳамда маҳаллий фармацевтика саноати корхоналарида турли хил дори воситалари ишлаб чиқарилмоқда.

“Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника Давлат реестри”нинг 2021 йил 25 сони рўйхатига киритилган Қизилмия (Ширинмия) доривор ўсимлик илдизидан олинган дори воситалари номенклатураси таҳлили ўтказилди.

Таҳлил натижаларига кўра Қизилмия (ширинмия) (*Glycyrrhiza glabra* L.) таркибига киритилган дори воситалари маҳаллий фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар томонидан 39 савдо номида, МДХ фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар томонидан 7 савдо номида, Чет эл фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар томонидан 22 савдо номдаги дори воситалари Ўзбекистон Республикасида тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган. 2020 йилда Қизилмия (ширинмия) (*Glycyrrhiza glabra* L.) таркибига

киритилган дори воситалари Республикага жами 8517503 ўрам импорт қилинган, маҳаллий фармацевтика корхоналари томонидан эса 2220547 ўрам ишлаб чиқарилган.

Тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника Давлат реестрининг 2021 йил 25 сонидан келтирилган дори воситаларини фармацевтика бозоридаги тутган ўрни, маркетинг тадқиқотлари юзасидан изланишлар давом эттирилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 апрелдаги “Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4670-сон қарори
2. “Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника Давлат реестри”нинг 2021 йил 25 сони;
3. <https://urmon.uz/uz/13389/>
4. <https://agro-olam.uz/dorivor-shirinmiya-haqida/>